

**Мавзу: Оила ва болалар билан ишлашда
маданий хусусиятлар ва анъаналар**

Режа:

Кириш

I Боб. Урф-одатлар келиб чиқиши ва тарихий аҳамияти.

- 1.1. Урф-одатларнинг келиб чиқишининг назарий асослари.
- 1.2. Ижтимоий тараққиётда урф-одатларнинг тарихий аҳамияти.

II Боб. Оиладаги бола тарбиясида урф-одатларнинг роли.

- 2.1. Оилаларнинг вужудга келишида урф-одатларнинг ўрни.
- 2.2. Миллий урф-одатларнинг тарбиявий аҳамияти.

Хулоса

Тавсиялар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Тадқиқотнинг долзарблиги

Ўзбек халқининг миллий урф-одат, қадрият ва анъаналари оила ва оилавий муносабатларда, жумладан бола тарбиясида муҳим ўрин тутди.

Жисмонан бақувват, ақлан етук фарзандларни вояга етказиш тамойили Шарқ ижтимоий тафаккурининг ва менталитетининг асосий мазмунини ташкил этади. Чунки, болани тарбиялаш орқали меҳр-мурувват туйғулари шаклланган баркамол инсонни вояга келтирилади. Бола қадрияти – бу ўзбек халқи турмуш тарзи, руҳияти, болажонлик одатлари, серфарзандлик ва айни пайтда соғлом, бақувват, маънавий ва жисмоний етук авлод етиштириш анъаналари, тафаккур тарзидир. Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, ҳар бир замонда ҳам бола тарбияси долзарб муаммо эканлиги ишнинг ўта долзарблигидан далолат беради.

Аждодларимиз ўз наслларини умумбашарий туйғулар, ўлмас Шарқ ижтимоий тафаккури, миллий қадриятларимиз руҳида тарбия қилиб келганлар. Ота-боболаримиз асрлар давомида тилимизни, динимизни ва миллий урф-одатларимизни асраб-авайлаб, ана шу маънавий-ахлоқий мезонлар асосида соғлом авлодни вояга етказганлар. Бу билан улар миллат тараққиётига, давлат мустақамлигига ва мамлакатнинг цивилизация сари йўл тутишга замин яратганлар. Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, ҳар бир замонда ҳам бола тарбияси долзарб муаммо эканлиги ишнинг ўта долзарблигидан далолат беради.

Тадқиқотнинг мақсади

Тадқиқотнинг асосий мақсадини қуйидагилар ташкил этади:

- фарзандлар тарбиясида миллий анъана ва маросимларни сингдириб бориш орқали инсоний бағрикенглик, меҳнатсеварлик, миллатлараро ҳамдўстлик ва ҳамжиҳатлик туйғуларини юксалтириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- 1.Оила, мактаб, маҳаллаларда фарзанд тарбияси бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш;
- 2.Кўзга кўринган фан арбоблари, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари билан давра суҳбатлари, санъаткорлар айниқса театр актёрлари билан учрашувлар ўтказиш ва ҳоказо.
- 3.Ёшларда миллий ва умуминсоний кадриятларга содиқлик, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Биздан олдин тадқиқотчи олимлар, этнографлар, мутахассислар томонидан маълум даражада ўрганилган. Биз томондан ҳам тадқиқотимиз орқали ўрганилган тадқиқотларни имкон қадар тўлдиришдан иборат.

Тадқиқотнинг методологияси

Мавзу юзасидан илмий изланиш олиб боришимиз учун Ўзбекистон республикаси Президенти И.А.Каримов асослари, Шарқ мутафаккирларининг асарлари, таниқли олимларнинг, ёзувчи шоирларнинг бола тарбияси ҳақидаги ижтимоий фикрлари методологик асос вазифасини ўтайди.

Тадқиқотнинг илмий фарази

Келажакда ёшлар ҳаётида, мактаб ва коллеж, олий ўқув юртларидаги маънавият дарсларида ишланиши , ҳамда кенг қўлланма тадқиқот ишларини олиб боришда, шунингдек, ўқув-қўлланма ва дарсликлар яратишда фойдаланиш мумкин. Бу фикрлар тадқиқотнинг амалий аҳамиятига монанд.

Тадқиқот объекти

Ўзбек халқи миллий оилалари турмушидаги ижтимоий тарбия жараёни .

Тадқиқотнинг структураси

Кириш, икки боб, тўрт параграф, ва хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи боб “Урф-одатларнинг келиб чиқиши ва тарихий аҳамияти” деб номланди. Унда биз боланинг кундалик ҳаётида анъаналар, урф-одатлар катта ўрин эгаллаши ҳамда тараққиётга нечоғли зарур эканлиги, урф-одатларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида фикр-мулоҳазаларимизни баён этдик.

Биринчи боб биринчи параграф “Урф-одатлар келиб чиқишининг назарий асослари” деб номланади. Унда биз урф-одатларнинг кишилар турмушига сингиб кетган хатти-ҳаракатлар, қоидалар ҳақида назарий қарашларни тадқиқ қилишга ҳаракат қилдик.

Биринчи боб иккинчи параграф “Ижтимоий тараққиётда урф-одатларнинг тарихий аҳамияти” деб номланади. Унда биз урф-одатлар, анъаналар, маросимлар ҳақида фикрлар билдирдик. Яъни, бола ҳаётида энг муҳим даврлар туғилган кун, мактабга бориш, балоғатга етиш, никоҳдан ўтиш ва шу кабилар фуқаролик маросимлари саналиб, ижтимоий тараққиётдаги аҳамиятига фикрларимизни қаратдик.

Иккинчи боб “Оиладаги бола тарбиясида урф-одатларнинг ўрни” деб аталди. Ўзбек оилаларида болаларга ёшлигиданоқ миллий урф-одатлар, анъаналар ва маросимлар сингдирилади. Ана шулар ушбу бобнинг тадқиқот марказида бўлди.

Иккинчи боб биринчи параграф “Оилаларнинг вужудга келишида урф-одатларнинг ўрни” деб номланди. Оила пайдо бўлиши билан урфлар, расм-русумлар пайдо бўлган. Мисол учун, аввало, янги оила барпо бўлиши учун одатимизга кўра совчилар боради, фотиҳа тўйи, никоҳ тўйи бўлади. Булар ҳаммаси Шарқона одатлар ҳисобланади. Шундай экан ўзбек халқининг оилавий урф-одатлари тарихий заруратлар юзасидан вужудга келган ва замон чиғириқларидан ўтиб сайқалланган. Биз бу параграфда тўй маросимлар, ўрнатилган бўлувчи урф-одатларга тўхталдик.

Иккинчи боб иккинчи параграф “Миллий урф-одатларнинг тарбиявий аҳамияти” ҳақида фикрлар баён қилинган. Бизнинг миллий урф-одатларимиз замирида фақат тарбия ётади. Бунга мисол қилиб қадимги ўйинларни айтишимиз мумкин. Унда қизларни ифбатли, иболи уй бекаси қилиб тарбиялашга, йигитларни эса халқ суянган, ҳақиқий ватанпарвар қилиб тарбиялашда ката рол ўйнаган.

Тадқиқот ишининг сўнггида хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати илмий ишга қўйилган талаблар асосида кетма-кетликда ёзилган.

I Боб. Урф-одатларнинг келиб чиқиши ва тарихий аҳамияти

Инсоният тарихида ахлоқ-одоб асосий ўрин тутди. Урф-одатлар билан ахлоқ-одоб ўртасидаги муносабатнинг шаклланишида, миллий анъаналар катта рол ўйнайди. Унинг учун ҳар бир киши ана шу урф-одатлар тараққиётининг нечоғлик зарурлигини билиб олиш ва бу урф-одатлар бошқа халқлар удумларидан нечоғли фарқ қилишлигини, урф-одатларнинг пайдо бўлиши ва йўқолиб кетиш сабабини илғаб олиши муҳимдир.

Олис ўтмишни ичига қанчалик чуқур кириб борилса, уни ўрганиш шунчалик қийин бўлади. Чунки, уни тадқиқ қилиш учун манбааларни топиш қийинлашади. Шундай бўлсада, мавжуд маълумотлар топиб, уни чуқур таҳлил қилиб, ўз аجدодларимиз тарихини адолатли тарзда ўрганишимиз зарур. Акс ҳолда тарихий онгни тиклаб бўлмайди. Тарих бизни таянчимиз. Бу таянчдан куч олишимиз, уни яхши билишимиз даркор. Биз тарихни қанчалик қадрласак келажагимиз шундай порлоқ бўлади. Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият –енгилмас куч” деб номланган асаридан лавҳа келтиришни лозим топдим.

“Шуни айтиб ўтиш лозимки, халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш... Тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар қайси халқ миллий қадриятларини ўз мақсад-муддаолари, шу билан бирга, умумбашарий тараққиёт ютуқлари асосида ривожлантириб маънавий дунёсини юксалтириб боришга интилар экан, бу борада тарихий хотира масаласи алоҳида ўрин тутди”¹. Мазкур сўзлардан келиб чиқиб, қадим аجدодларимиз амал қилган одатларнинг, кўхна маданиятимизни тарих орқали ўрганиб олар эканмиз.

Одатларнинг пайдо бўлиши инсоният ҳаётидаги энг қадимий ҳодисаларидан бири бўлгани учун уларни ўрганиш осон эмас. Ана шу

¹ Қаранг: И.А.Каримов. “Юксак маънавият –енгилмас куч” асари. Т.: “Маънавият” – 2008, 96-976

мураккабликдан келиб чиққан ҳолда, биз урф-одатларнинг пайдо бўлиши жараёнини мавжуд бўлган манбаалар асосида шартли равишда 2 қисмга бўлиб ўрганамиз.

Ибтидоий даврда пайдо бўлган одатлар

Қадимда инсонлар тўда бўлиб яшаган, булар совукдан сақланиш, йиртқич хайвонлар, табиий офатларга қарши курашишда қўл келган. Ҳар бир тўдани етакчилар бошқарган. Маълум вақтлар ўтиб тўда бошлиқлари ўзлари учун имтиёзлар ярата бошлади. Бу эса тўда бошлиғи бўлишга давраларни кўпайишига олиб келди. Шу билан биргаликда тўда раҳбарлари ва даъвогарлар ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўла бошланди. Бундай келишмовчиликлар жанглар билан тугар, бу каби хунрезликларга чек қўйиш ҳамда уруғ ичидаги муносабатларни тартибга солиш учун ибтидоий жамоа тузумидагилар жамият аъзолари учун манфаатли қонунлар яратилди. Булар эса вақт ўтган сари одатга, урфга айланди. Қадимий даврларда пайдо бўлган одатлардан бири бу “эркакликка ўтиш” одатидир. Маросимга ўспирин йигит катта тайёргарлик кўрган. Урф-одатга кўра ўспирин қийноққа солиб ҳам синалган. Ўзига хос бу имтиҳондан ўта олмаганлар ўлимга маҳкум этилган. Эркакликка ўтиш маросимидан сўнг “тўй бола” суннат қилинган. Сўнг у болалик одатларини ташлаб катталарга қўшилган.

Қадим одатларни ўрганишда туғилишга, улғайишга нисбатан ўлимга оид маълумотлар кўпроқ топилган. Чунки қадимдан сақланиб қолган қабристонларни ўрганиб, у даврдаги одамларни дафн қилиш одатлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Қадимги юнон тарихчиси Геродот массагетларнинг дафн маросими ҳақида шундай дейди: Одам жуда қариганида қариндошлари уни қурбон қилишади ва у билан қўй, эчки сўйиб зиёфат уюштиришади ва қурбон бўлиб ўлган инсон бахтли ўлим топган инсон деб аталган.

Одамларда турмуш тарзи ошган сари табиат сирларини янада чуқурроқ тушинишга интилган. Қадимги жамиятда турли ҳил одатлар пайдо бўла бошлади. Бу одатлар замирида теварак-атрофдаги ҳодисаларни англаш ва ҳис

қилишга интилиш ётади. Юқорида айтганимиздек, пайдо бўлган одатлардан бири бу – Фетишистик – Фетишизм – бу қадимий диний тасаввурларидан бири. Фетишга эътиқод қилганлар турли жисм, модда, буюм-нарсаларнинг сеҳрли кучи борлигига ишонишган ва ундан ҳимоя воситаси сифатида фойдаланишган. Фетишизм пайдо бўлиб тараққий эта бошлади ва фетиш-буюмларга таалукли махсус буюмлар яратилди. Қадим фетиш одатлари бири бизгача етиб келгани бу исирик тутатиш одати. Исирик кўз тегмаслиги, инс-жинсларни қочириш, инсон руҳиятига ижобий таъсир этиш мақсадида кенг қўлланилган.

Кўзмунчоқ ва тумор сингари фетиш буюмлар тақиб юриш одати Ўрта Осиё халқларида ҳозир ҳам одат тусига айланиб бўлган. Улар маҳаллий халқларнинг орзу-ниятларини ҳам ифода этиб, анъанавий бадиий безакларга айланган.

Анемизм – Марказий Осиёда қадимдан пайдо бўлган ва кенг тарқалган диний одатлардан бири. Анемистик қарашларга кўра, одам ўлгандан кейин уни жони танасидан ажралади ва у кўринмас руҳ сифатида яшайди. Анемистик одатларга кўра марҳум билан бирга унинг хотини ва уй ҳайвонлари, молу-мулклари бирга кўмилган. Анемистик қарашлар кўп халқларни урф-одатларида ўз ифодасини топган. Ана шундай анемистик одатлардан бири инсон вафотидан кейин, уни руҳига бағишлаб ўтказиладиган маросимдир.

Магия – Кўхна Шарқда афсунгарлик, сеҳргарлик кенг тарқалган. Ҳозирда ҳам бу магик қарашлар одат тусига кирган. Кинна, иссиқ-совуқ қилиш одатлари шундан келиб чиққан урф-одатлар пайдо бўлиши инсонларни маънан юксалишига олиб келган. Авестода ёзилишига кўра никоҳ жуда муқаддас саналган. Бу одат ҳозиргача етиб келган. Масалан: зардуштийлар одатига кўра оила муқаддас саналган учун ажралиш тақиқланган. Қадимги одатларга асосан қурбоқчилик пайтида ёмғир тилаш (Суст хотин), шамолни тиндириш (Чой момо), қуёшга сиғиниш омад келмаганида офат юз берганда Қурбонлик келтириш ва ҳоказо урф-одат

маросимлар ўтказилган. Булар ҳозирда ҳам яшаб келмоқда. Лекин, ҳозирги даврда қадимдан бир текисда пайдо бўлган урф-одатларимизни жуда бўрттириб юбориляпти. Масалан: таъзия маросимларида тўкин дастурхон ёзиш одати қаердан пайдо бўлганини олсак. Ушбу материални таҳлил қилганда у олис ўтмишга бориб тақалади. Масалан: удумга кўра Эронда марҳумларни руҳи баҳорда табиат уйғонганда уйғонар экан. Бу эса ҳозирги кундаги етти, йигирма, қирқ сингари маросимларни келтириб чиқарган. Бунда марҳумларни руҳи уйғонади ёки танаси ҳаракатга келар ва овқат талаб қилармиш. Тўйларга келсак: айрим вилоятларимизда суннат тўйи 3 кунлаб бўлади. Ҳар куни палов дамланади. Юзлаб одамлар эса меҳмон қилинади, ароқ ҳам жилғадек оқади. Бу эса қадимги урф-одатларимизни бўрттириш дейилади. Бундай тўйлардан кейин тўй эгаси қарзларга ботиб кетмоқда. Урф-одатларимиз мураккаблашиб бормоқда. Қимматлашиб кетган урф-одатларни қилишга аксарият аҳолини қурби етмайди. Холбуки айни пайтда урф-одатлар соддалашмоқда.

Хулоса қилиб айтганда онгли меҳнатга оид тажриба урф-одатлар кишилар маънавий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

Қадимий одамларнинг турмуши билан боғлиқ анъаналар, жамоа бўлиб яшаш сардорлик, эркакликка ўтиш, оила ва тўй маросимлари пойдевори бўлган полигам, эгзогам, моногам одатлари қабила таракқиётда муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, одатларнинг, урфларнинг энг қадимий даврлардан бошлаб ҳаётнинг барча соҳаларида, табиатга оқилона маданий муносабатда бўлиш борасидаги тажриба ютуқ ва мувофақиятларни асраб-авайлашда, уларни авлоддан-авлодга ўтишида, аجدодлар ҳаётининг маъно-мазмунини англашда жуда муҳим аҳамият касб этмоқда.

1.1. Урф-одатлар келиб чиқишининг назарий асослари

Урф-одат – кишиларнинг турмушига сингиб кетган. Маълум муддатда такрорланиб турувчи хатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари, кўникмасидир. Масалан, кичикларнинг катталарга салом бериши, уй-ҳовлини тартибга келтириб қўйиш, меҳмонларга алоҳида ҳурмат кўрсатиш, байрам арафасида кекса, қариялар, касал, ожиз, қийналган кишилар ҳолидан хабар олиш кўни-қўшнилари билан бирор ишига ёрдам бериш, ҳашарга бориш қабила ўзбек халқи хос яхши одатлар ҳисобланади.

“Одат” деган тушунча психологияда ҳам мавжуд бўлиб, у маълум шароит таъсирида вужудга келиб, кишининг феъл-атворида мустаҳкамланиб қолган ва кейинчалик ўз-ўзидан беихтиёр бажариладиган ҳаракат маъносини билдиради.

Анъана ижтимоий ҳаёт, меҳнат, маданиятнинг барча соҳаларига хос ҳодиса сифатида жуда кенг доирани қамраб олади. Муайян бир жамоанинг турмуш тарзи, хатти-ҳаракати, хулқ-атвори, мулоқоти ва оилавий муносабатларида намоён бўлади.

Маросим – инсон ҳаётидаги муҳим воқеаларни нишонлашга қаратилган, расмий ва руҳий кўтаринкилик вазиятда ўтадиган, умум қабул қилинган тартиб-қоидаларга амал қилинадиган тадбир саналади.

Масалан, исм қўйиш, никоҳдан ўтиш, дафн қилиш, хотирлаш, экишга киришиш (уруғ қадаш), ўришга киришиш маросимларидир.

Одат кундалик ҳаётда доимо кузатилса, маросим эса инсон ҳаётидаги муҳим ҳодисалар содир бўлганида вужудга келади. Маросим кишилар ҳаётидаги энг муҳим воқеаларни туғилиш, уйланиш, ўлим қабиладини қайд этади, расмийлаштиради. Маросимларни ўтказишда авлоддан-авлодга ўтадиган, рамзий ва расмий анъаналар, қоидаларга амал қилинади.

Маросимга, бўлаётган воқеага “гувоҳ” сифатида одамлар чақирилади. Одамлар кимнингдир ғами ёки қувончига шерик бўлишади, келажак учун

яхши ниятлар қилишади. Ҳар бир маросимнинг ўзига хос умум қабул қилинган тузилиши (бошланиши, ўртаси, охири) бўлади. Инсон ҳаётида бўлиб ўтаётган муҳим воқеани нишонлаш жраёнида анъана ҳам, одат ҳам маросим ҳам мужассамлашади.

Буни қуйидаги мисолда кўриш мумкин. Ёшлар вояга етганида – йигитлар уйланади, қизлар турмушга чиқади. Бу авлоддан-авлодга ўтиб келадиган анъана саналади. Йигит-қизнинг оила қуриши учун никоҳ тўйи ўтказилади. Никоҳ тўйи ўтказиш эса инсоният ҳаётига сингган, муайян қоидага, маълум тартибга эга бўлган урф-одат ҳисобланади. Никоҳ тўйларининг асосий шартларидан бири куёв ва келиннинг никоҳдан ўтишидир. Ҳар бир даврда бу тўй билан боғлиқ ўзига хос одатлар вужудга келади. Масалан, ҳозирги пайта махсус безатилган машиналарда кўчаларда юриш, гувоҳлар билан “Бахт уйи”га бориш, никоҳдан ўтаётганда давлат мадҳиясининг янграши, “Бахт уйи” ходимларининг саволларига жавоб бериш, керакли ҳужжатларга имзо чекиш, никоҳ узукларини алмашиш каби одатларга амал қилинади. Бу расмий ва тантанали равишда ўтадиган маросимдир. Бу расмий никоҳ тўйидаги одатларнинг адо этилиши келин-куёв, уларнинг шодиёна кунда қариндош-уруғи, ёру-дўстлари учун ҳақиқий шодиёна саналади.

“Анъана”, “одат”, “маросим” бир-бири билан бевосита боғлиқ ҳодиса ҳисобланади. Шу боис анъаналарнинг таркибий қисми одат, одатнинг таркибий қисми эса маросим ҳам бўлиши мумкин.

Масалан, билим юртини битирган ёш мутахассисларнинг ишлаб чиқаришга бориб иш бошлаши одат тусига кириб қолган. Бу муҳим воқеа муносабати билан анъанавий тадбирлар ташкил қилиш мумкин. Бу одатнинг таркибий қисми – ёшларни тантанали равишда меҳнат жамоасига қабул қилиш ўз-ўзидан маросимга айланади.

Баъзи ҳолатларда “анъана”, “одат” ва “маросим” тушунчалари алоҳида ишлатилса, улар мавҳум маънони англатиши ҳам мумкин. Бундай пайтда уларга аниқловчи сўзлар қўшилиб, масалан, “анъанавий байрам”, “анъанавий

фестиваль”, “анъанавий кеча” ёки “мукофотлаш маросими”, “тўй маросими”, “нафақага кузатиш маросими” тарзида қўлланилади. “Маросим” сўзи жамоатчилик иштирокида ўтказиладиган катта тадбир маъносини билдиради.

Оилавий урф-одатлар оила пайдо бўлиши билан вужудга келган. Шу билан бирга ўзгарган, ривож топган. Тараққиёт, замон талабига жавоб берган урф-одат янада кучайиб замонга қараб ривожланиб бормоқда.

Ўзбек халқининг оилавий маросимлари ҳам тарихий зарурият асосида вужудга келган ва замон чиғириқларидан ўтиб, муҳим маънавий қадрият сифатида равнақ топган.

Урф-одатларимизга айланиб қолган чақалоқни бешикка солиш каби урфларимиз мавжуд. Урфларимизга айланиб қолган бешик тўйини ёритар эканмиз, бешик тўйи қадим замонлардан ҳар бир оилада ўтказилиб келингани туфайли, бу маросим халқ маданий ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб қолган. Бешик тўйи ҳақида маълумот беришдан олдин бешик тўғрисидаги тушунчани ёритиб ўтамыз.

Бешик Шарқ мамлакатлари тарихида яратилган буюк кашфиётлардан биридир. Чунки бешик боланинг 2-3 ёшгача улғайиши учун жуда фойдалидир. Биринчидан, у кичик, ихчам бўлганидан уни исталган жойга уй, дала, айвонда кўчириб юриш мумкин. Бешик онанинг чақалоғини парваришлаши учун жуда қулай бўлиб, у турли жойда боласини қараш билан бирга, бошқа юмушларни ҳам қилаверишига имкон яратади. Бешик гўдақни овутиш, эркалаш, аллалаш, ухлатиш учун ўта қулай тузилишга эга.

Чақалоқ туғилишидан кейинги муҳим урф-одатларимиздан бири – болани бешикка солиш маросими ва бешик тўйидир. Мазкур тўй айрим жойларда кичик оилавий бир маросим шаклида ўтказилади. Мана шундай урф-одатларимиз ҳозирга қадар сақланиб келмоқда. Ҳозирга келиб ўзбек халқи ҳаётида ҳам яқин ёшлар ичида авваллари мавжуд бўлган кўплаб ижтимоий ва шахсий-оилавий анъана, урф маросим ва байрамларга яна янгиликлар киритилиб борилмоқда.

“Янги урф-одат ва анъаналар” ҳаётимизга янада равонлик олиб киради.

XX асрнинг иккинчи ярмида, замон ўзгариши билан кейинги даврда ҳаётимизга туғилган чақалоқларнинг ота-оналарига гувоҳнома ёки вояга етган ёшларга паспорт топшириш, ўқув юрти битирувчиларини тантанали равишда меҳнат жамоасига қабул қилиш, авлодлар учрашуви, Олтин ва Кумуш тўйлар, тантанали нафақага кузатиш тадбирлари қабила кириб келган эди. Ҳозирга келиб, улар “анъанавий тадбир” урф-одатларимизга айланиб бормоқда.

1.2. Ижтимоий тараққиётда урф-одатларнинг тарихий аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг турмуш ва тарбия жараёнида анъана, урф-одат ва маросимлар масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Мустақил Республика фуқароларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, улар онгида ижтимоий дунёқарашни шакллантиришда, урф-одат, анъана ва маросимлар таъсирчан воситалардан бири бўлиб қолди. Ижтимоий тараққиётда кишиларнинг урф-одат ва маросимлари шаклланди. Чунки улар муайян ғоялар, қарашлар, ахлоқ нормаларини ифодалайди. Илғор анъаналар, урф-одат ва маросимлар жамиятимиз ҳаётида, кундалик турмушимизда, меҳнат ва ишлаб чиқаришда, илмий ва бадий ижодда, оила ва ўқув даргоҳларига тарбиявий ишларимизда, шахсий хулқ-атворда ўзига хос ижтимоий вазифаларни ўтайди.

Халқ ва жамият ўз эҳтиёжларига яраша анъана, урф-одат, маросим ва расм-русумларни яратар экан, доимо нафосат ва гўзаллик қонунларига, қахрамонлик ва улуғворлик, ижтимоий ҳамжиҳатлик принципларига қатъий амал қилади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг халқимизнинг унутилаётган анъаналари, маросимлари ва урф-одатлари яна ҳаётга қайтарилди. Улар халқимиз турмушидаги унутилмас ҳодисаларни ўз негизда мужассамлаштирди. Шунинг учун Республикамиз ҳукумати

халқимизнинг ҳаётга тарихан сингиб келаётган анъана, маросим ва урф-одатларини қайтадан қарор топтиришга доимо аҳамият бермоқда. Урф-одат ва маросимлар барқарор бўлишига қарамай, янги давр, янги тузум эҳтиёжларига мувофиқ ўзгариб боради. Меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, дўстлик. Жасорат, меҳмондўстлик, болажонлик сингари анъаналар мамлакатимиз ҳудудида азалдан мавжуд. Аммо бу анъаналар мустақилликка эришганимиздан кейин янги маъно касб этмоқда.

Анъаналар, урф-одат ва маросимлар шаклида намоён бўлади. Урф-одат нисбатан ўхшаш, маълум даражада такрорланиб турадиган ҳолатларда муайян хатти-ҳаракатларнинг айнан такрорланиши, унга сўзсиз амал қилинишини билдиради.

Кишиларимизнинг шахсий ва оилавий ҳаётида содир бўладиган унутилмас воқеаларни, яхши кунларни хурсандчилик нишонлашга бўлган интилишлари янги-янги анъана ва маросимларни юзага келтирмоқда. Чунончи, киши ҳаётида энг муҳим даврлар – туғилган кун, мактабга бориш, балоғатга етиш, никоҳдан ўтиш ва шу кабилар фуқаролик маросимлари сақланиб, уларнинг ҳар бири киши олдига янги талаблар кўяди, янги ҳуқуқлар беради ва ниҳоят унинг жисмоний ва ақлий камолотига етишида муҳим босқич бўлиб ҳизмат қилади. Барча маросим ва байрамларнинг ана шу томонларига алоҳида эътибор бериш ижтимоий тараққиётда тарихий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Урф-одатлар ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос амалий негизидир. Улар турғун ва барқарор характерга эга бўлиб, айрим ёки якка шахслар томонидан эмас, балки кўпчилик томонидан рўёбга чиқарилади. Масалан, ота-онага ҳурмат, кексаларга эҳтиром, меҳмондўстлик кабилар халқимизнинг асосий урф-одатларидан бўлиб, буларга халқ анъаналарининг бир кўриниши сифатида амал қилинади. Маросим тушунчаси муайян сўз ва ҳаракатларнинг қайтарилишини билдиради, лекин бунда сўз ва ҳаракатлар шартли рамзийлик касб этади. Урф-одатларда сўз ва ҳаракатлар моддийлашган бўлса, маросимларда моддий оламнинг, предметларнинг ўрнини шартли –

ҳаракатлар, сўзлар, тасвирлар эгаллаши мумкин бўлади. Бошқача қилиб айтганда, маросимлар, урф-одатларнинг барқарорлашган шаклидир. Маросимлар ички яхлитлилик, композицион бирлилик, шаклан бежиримликка эга бўлади. Унинг асосий хусусиятларидан бири назокат ва латофатлигидир. Масалан, ҳосил байрамларини, пахта байрамини, гул ва баҳор байрамларини, узум, қовун сайлларини, никоҳ тўйлари маросимларини олайлик. Бу сайл ва байрамлар шодлик, тўкин-сочинлик, нафосат тантанаси сифатида амалга оширилади.

Бир бутун маросим бир-бирига боғлиқ бўлган бир қанча кичик маросимларни, урф-одатларни ўз ичига олади. Булар маросимчилик деб аталади.

“Расм-русум” тушунчаси маросимчилик урф-одатлари доирасига мансуб бўлган конкрет сўз ва ҳаракат шаклларини, уларнинг ўзаро бир-бирига нисбатан бўлган ролини, жойини, муносабатини англатади. Демак, расм-русумлар маросимчилик ва урф-одатларнинг намоён бўлиш шаклидир. Масалан: тўй, меҳмон кутиш, дафн билан боғлиқ урф-одатлар ва маросимлар умумий томонлар билан бир қаторда ҳар бир ерда, ҳар бир миллатда сўз ва ҳаракатлар билан ажралиб турадиган ўзига хос томонларга, яъни расм-русумларга ҳам эгадир.

Ҳашар, меҳмондўстлик, мардлик, жасорат, ҳалоллик, дўстлик, меҳнатсеварлик, санъатсеварлик, турли миллатларга ҳурмат ва қардошлик каби анъана, одатлар қадимий ва ижтимоий тараққиётда улар ҳақидаги бўлгани учун тарихий аҳамиятга эгадир ва доимо сақланиб бораверади.

Масалан, ҳар йили пахта йиғим-терими пайтида умумхалқ ҳашари уюштирилади. Гул ва баҳор байрами, пахта байрами, ҳосил байрами, ҳашар, узум сайли, улоқ чопиш каби урф-одатлар эса миллий характер касб этади.

Азалдан давом этиб келаётган урф-одатлар, чунончи, ҳашар, никоҳ маросимлари, наврўз, баҳор байрамлари, узум-қовун сайллари ва ҳоказолар янгича мазмун кашф этмоқда. Ҳозирги кунда чақалоқларни тантанали равишда рўйхатга олиш, ёш гўдакка ном қўйиш, 16 ёшга етган ўсмирларга

паспорт топшириш, меҳнат фахрийларини тантана билан нафақага кузатиш янги анъаналардандир.

Халқимизнинг энг яхши, ажойиб миллий анъаналари қадимдан давом этиб, авлодан-авлодга ўтиб, мустақил юртимиздаги ижтимоий муносабатлар шаклланаётган жамиятда янги мазмун касб этмоқда, бойимоқда, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда ёш авлодни тарбиялашда ҳаёт мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Замонлар ва авлодлар ўртасидаги алоқа, анъаналар орқали амалга оширилади.

Қимматли урф-одатлар шу анъаналардан ўзининг тўла ифодасини топади. Ота-боболаримизнинг донишмандлигини акс эттирган ва азалдан оддий меҳнаткашларга хос бўлган олижаноб туйғуларни эъзозлайдиган халқ урф-одатлари бу анъаналар орасида энг фахрли ва муҳим ўрин тутди. Шунинг учун халқ анъаналарини ривожлантиришга объектив ёрдам берадиган энг яхши, энг қимматли миллий урф-одат ва маросимларни танлаб олиш керак. Кексаларни, хотин-қизларни иззат-ҳурмат қилиш, меҳмондўстлик, ўзаро ёрдам ва болаларга меҳр-муҳаббат туйғуларини ифода этувчи анъаналар барча халқлар ҳаётида узоқ замонлардан бери давом этиб келяпти.

Инсоннинг камол топишига ижобий таъсир кўрсатадиган анъаналардан кишиларни инсонпарварлик руҳида тарбиялашда мунтазам фойдаланиш зарур.

Халқимизнинг ижобий анъаналаридан бири — кексаларни ҳурмат қилиш жуда катта тарбиявий ҳамда ижобий аҳамиятга эга. Ҳукуматимиз кекса авлоднинг хизматларини қадрлаб келмоқда. Давлат томонидан берилаётган пенсиялар, жуда кўп имтиёзлар, унвонлар, даволаниш, дам олиш учун санаторийлар, шифохоналар ва бошқа имтиёзлар мустақил юртимизнинг кексалар тўғрисидаги беқиёс ғамхўрлигининг гувоҳидир.

Одамларнинг бир-бирларига меҳр-оқибатлари, самимий, тўғри муносабати, илтифоти ва эҳтироми мустақил Ўзбекистонимиз фуқаросининг ички гўзаллигини, бой маънавий қиёфасини белгилайди. Миллий

анъаналаримизнинг ижтимоий тараққиётдаги аҳамиятига эътибор берадиган бўлсак, халқимизнинг “Меҳмон отангдек улуғ”, “Меҳмондан улуғ киши йўқ”, “Меҳмон келса мушугингни ҳам пишт! дема” деган ҳикматлари меҳмондўстликка ундайди. “Меҳмон кирса эшикдан, ризқи келар тешикдан” деган ибораси эса ҳар қандай шароитда ҳам меҳмонни беминнат, самимий кутиб олиш кераклигини англатади.

Яна бир яхши одат – инсонпарварликдир. Чин инсон пок қалбли, софдил, диёнатли, виждонли, чуқур иродали, оқил киши бўлиши билан бирга юрт, Ватан, жамият манфаати, ташвиши йўлида жон фидо қиладиган, кишилар осойишталиги, тинчлиги ва бахт-саодати йўлида доимо қайғурадиган бўлмоғи керак. Шундагина унинг ҳақиқий инсонпарварлиги, инсонийлиги, бой маънавий гўзаллиги тўлаллиги билан намоён бўлади.

Инсонпарварлик – жамиятимизда қарор топган, тобора янги мазмун касб этаётган миллий анъаналарнинг юксак кўринишларидан биридир. Инсон мустақил Ўзбекистонда шу заминда қадр топди ва иззат-хурмат кўрди. Республикамиз ҳукуматининг олиб бораётган сиёсатида “Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун” деган ғоя амалга оширилмоқда.

Инсоннинг олийжаноблиги, одамийлиги унинг танишга ҳам, нотанишга ҳам беғараз ёрдам қўлини чўзиши билан белгиланади. Миллатимизнинг турмуш тарзи одамларнинг бир-бирига дўст, меҳрибон, ғамхўр, жонкуяр ва ҳамдард бўлишидир. Ана шу инсоний фазилатлар билан жамиятимиз янада жипслашмоқда, камолот йўлидан бормоқда. Шу борада Қирғизистон Республикаси Ош, Қорасув ва бошқа шаҳарларида бўлиб ўтган вахшиёна хунрезликларни оқибатида бегуноҳ одамлар оиласидан, уй-жойидан, яқинларидан ажради. Ўзбекистон Республикаси жуда катта инсонпарварлик ишларини олиб борди. Озиқ-овқат, ётишга бошпана ва ҳоказолар бўйича ёрдам қўлини чўзди.

Бу борада айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон халқи ва ҳукумати инсонпарвар, меҳр-оқибатли, самимий, диёнатли, кишилар осойишталиги, юрт тинчлиги йўлида доимо қайғурадиган юрт эканлиги яққол кўринди.

Мустақил юртимиз фуқаролари қайси миллат ёки халққа мансуб бўлмасин, ҳаммасининг Ватани бир, мақсадлари, манфаатлари бир. Халқимизнинг дўстлашиши – жамиятимизнинг улуғвор кучидир, бизнинг жуда катта бойлигимиздир. Бу дўстлик асосан иккинчи жаҳон уруши йиллари чиниқди. Ўзбекистон халқи бир бурда нонини бошқалар билан баҳам кўрди. Халқимизда “Дўстлик барча бойликлардан афзал”, “Арпа, буғдой бир кунингга ярайди, содиқ дўстинг ўлгунингча ярайди”, “Дўст ачитиб гапирар, душман - кулдириб”, “Дўст – дўстнинг таянчи”, “Дўст – дўстини кулфатда синар”, “Дўст ёмон кунда билинади”, “Дўстан молини аямаган, элдан жонини аямас” каби кўпгина мақоллар борки, буларда дўстликни кадрлаш масаласи ифодаланган. Энг яхши ўлмас урф-одатлар бора-бора анъанага айланади. Урф-одатлар одамлар турмушидаги ижтимоий муносабатларнинг барқарор бир тури сифатида намоён бўлади. Саломлашув бурчига содиқлик бизда яхши анъанага айланиб қолган. “Ассалому алайкум – ҳам қарз, ҳам фарз” мақоли замирида бурчга содиқлик анъанаси ётади.

Саломлашувда меҳр-муҳаббат, қадр-қиммат, оқибат каби инсоний хислат акс этиб туради. Салом берувчи ва алиқ олувчининг қиёфаси шу анъанавий одат орқали намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, анъаналар, маросимлар ва миллий урф-одатлар халқ ҳаётининг таркибий бўлагидир. Улар ўз мазмуни ва шакли билан замонага ҳам мослашиб бораверади. Урф-одатларнинг ижтимоий ҳаётда, ёшларни миллий руҳда тарбиялашда ўрни бекиёсдир. Урф-одатлар, анъана ва маросимларга ўтмиш авлодларимиз ва миллатимиз руҳи сингдирилган бўлади.

II Боб. Оиладаги бола тарбиясида урф-одатларнинг роли

Оила шундай маконки, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи шахс шаклланади. Этник маданият, ахлоқий-маънавий қадриятларимиз, урф-одатларимиз сақланади. Биламизки, оила тарбия ўчоғи бўлиб, маънавий етук бўлсагина жамият таянчига айланади. Ўзбек оилаларида болаларга ёшлигиданоқ миллий урф-одатлар, анъаналар сингдирилади ва шу омиллар асносида тарбияланади.

Янги таваллуд топган боланинг қулоғига ота-боболаримиз аввал мулла чақириб азон айттирганлар. Азон айтилганда боланинг қулоғи очилган, исми илк бор чақалоқнинг ўз қулоғига сингдирилган. Сўнг уларнинг чилласи – кичик чилла ва катта чилла ўтказилади. Қирқ кунлик катта чилласи чиққандан сўнг бешикка белаш маросими ўтказилади.

Таваллуд топган бош фарзанд бўлса, бозордан бешик сотиб олишади. Бешик аجدодларимиз кашфиётлари орасида алоҳида санъат даражасига кўтарилган. Бола бор жойда алла айтилиши табиий ҳол. Оналар қадимдан ўз болалари тепасида кеча кундуз алла айтиб келишган. Алла инсонда, онг қатламларида бир умр мунгли, хазин, нурли қўшиқ бўлиб сақланиб қолади.

Қадимдан ота-боболаримиз бошқа одатлар қатори исм қўйиш одатини ҳам асраб-авайлаб келишган. Ота-оналарнинг исломий фарзи ўз фарзандларига муносиб исм топиб қўйишдан иборатдир. Удумга кўра авваллари исм туғилган болани қайси уруғдан, қандай сулоланинг нечанчи авлоди эканлиги, унинг таваллуд топган вақти, жойи, бола танасидаги алоҳида белгиларга қараб “китоб кўриб” қўйилган. Қишлоқ ёки маҳалланинг кекса, ўқимишли кишилари исм қўйиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Аввало исмлар худо, пайғамбарлар номлари асосида Расул, Акбар, Наби, Муҳаммад сингари аталган. Аجدодларимиз исмлардан ташқари тахаллус ҳам танлашган. Тахаллусда кўпроқ туғилган жойлари акс этган. Замон зайли билан исмлар ҳам ўзгариб туради. Масалан, сўнгги йилларда Алишер, Бобур, Улуғбек, Ойбек сингари номлар кенг тарқалган. Қизлар орасида эса Наргиза, Нодира,

Гулчехра, Мафтуна исмларини учратиш мумкин. Эгизаклар албатта Хасан-Хусан, Фотима-Зухра деб аталиши шарт. Эр-хотин бир-бирини исмини айтиб чақиришмайди, зарур бўлганда, бирор фарзандини исмини айтиб чақиришади. Тўғри исм олган ўғил-қиз, ота-онанинг, авлоднинг давомчилари бўлиб хизмат қилишлигини талаб қилишади.

Масалан, ўғил болалар ота касбини олиб уни давом эттирса, қизлар миллий урф-одатларимиздан каштадўзлик, дўппи тикиш каби хунарлар фарзандларга ўргатиб борилади. Бундай урф-одатлар фарзандларга тўғри сингдирилса, уларда ахлоқий-маънавий фазилатлар камол топади. Бу эру-хотиннинг икки вужуднинг қўшилишидан иборат бўлган иттифокдан ташкил топади. Оила урф-одат, расм-русум ҳамда анъаналарни сақлайдиган, шу билан бирга комил шахс тарбиялаб жамиятга қўшадиган макон.

Оилада фарзанд катта бўлгани сайин жамиятга қўшилиб боради. Шу билан бирга бир вақтнинг ўзида, фарзандни ота-она олдидаги бурчини бажариш жамиятга керакли шахс бўлиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун ота-она оила шароитида миллий анъана ва расм-русумларга таянган ҳолда вояга етаётган болага ва унинг онгига инсоний, тарбиявий, ахлоқий фазилатларни сингдириб боради.

Ота-оналар бола тарбиясида ниҳоятда эҳтиёт бўлишлиги талаб этилади. Фарзандлар тарбиясида оилада миллийликни, миллий урф-одатларни шакллантириш зарур. Зероки олдин ота-она шу миллий урф-одатлар билан тарбияланган бўлиши керак. Шу ўринда А.Авлонийни қуйидаги сўзларини келтириб ўтишимиз лозим. “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё фалокат, ё ҳалокат, ё саодат масаласидир”¹ деган эди. Демакки, биз бола тарбиясида ниҳоятда эҳтиёт бўлишимиз даркор. Бунинг учун биз асрлар давомида сайқалланган урф-одатларимизга мурожаат қилсак фарзандларимиз жаҳондаги энг ноёб тарбияли, илмли фарзандлардан бўлиб етишади. Биламизки бизда ҳаё, ибо сингари миллий анъаналаримиз бор. Бунда биз оила муҳитида отага тик боқмасликни, оила бошлиғи келмасдан олдин таом

¹ Қаранг: А.Авлоний. “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ”. Т.: “Ўқитувчи” -1992, 14-б

ейилмаслиги бундан ташқари бизнинг кўплаб миллий урф-одатларимизни жаҳон аҳли хавас қилгудек қадриятларимиз мавжуд. Шунинг учун биз оилада бола тарбиялашда ана шундай урф-одатларни четлаб ўтмаслигимиз зарур. Ҳозирги замонавий оилаларимизда миллий урф-одатларимиздан олдин моддий томонни ўйлайдилар. Шунинг учун гоҳида бола тарбиясида баъзи камчиликлар учраб туради.

Масалан, бир куни автобусда кетаётсам ёш бир йигит ўриндикда ўтирибди. Унинг рўпарасида бир мўйсафид туриб келмоқда, анча вақтгача ҳеч ким индамади. Унга бир одам тоғага жой бермайсизми? Сиздан анча ёши катта экан деб айтган эди. У кишини ҳам ёшига қарамасдан жеркиб берди. Шунда ўйланиб қоласан киши наҳотки, шу бола шу боғдан чиққан бўлса, демакки бу оилада миллий урф-одатларга беписандлик билан қаралар экан. Чунки бизнинг гўзал урф-одатларимиздан бири бу ўзидан катталарни ҳурмат қилишдир. Демакки, биз оилада фарзанд тарбиясида миллийлигимизни четлаб ўтсак, бу ўстираётган фарзандларимиз жамиятимиз учун бир фойдасиз ахлоқ-одоб меъёрларидан узоқ бир шахс бўлиб қолмасмикин?

Бизни оиламизда қария, нуронийлар бор, улар бизга доимо бизни одатларимиз гўзал, бу ҳеч қайси мамлакатларда такрорланмайди деб айтадилар.

Давлатимизда ёшларни тарбиялашда Шарқона одоб-ахлоқ, миллий анъана, урф-одатлардан фойдаланилади. Биз ота-оналар оилада уларга тушунтириш ишларини олиб боришни миллатимизни иззат-нафсига тегадиган айрим ноъмақул ҳоллардан асрашимиз шарт.

Афсуски, санъатда ошкораликни пеш қилиб телевизор кино экранларида, матбуот воситаларидан бўлмағур лавҳаларни кўрсатиш, бемаънилик ва ҳаёсизлик, баъзан эса хатто ахлоқий бузуқликни тарғиб қилишлар ҳам кўриниб қолди. Бизнинг ёш авлод вакилларимиз бундай нарсаларни кўриб қандай инсон бўла олади. Бизнинг одатларимизга кўра қизлар отаси олдида вақти келса чой ича олмаган отани юзига тик қарай олмаганлар. Эндиликда эса турли хил сериаллар ҳаттоки оила даврасида ота

ва қиз, она ва ўғил биргаликда кўрмоқдалар, қани бизни оиладаги миллийликни сақлаш. Фарзанд тарбиясида ота-она муҳим аҳамият касб этади. Агар оилада она бош мақомга эга бўлса, бу оила миллийликдан умуман йироқ. Бизнинг одатларимизга кўра бош мақом фақат отага тегишли бўлади. Модомики оилада катталарга ҳурмат кичикларга иззатда бўлинса, бу оилада камол топаётган фарзанд ҳам хушхулқли, тарбияли бўлади.

Президентимиз “Фидокор” газетасининг муҳбири саволига жавобларида оила баркамол ёш авлодни тарбиялашда ибрат-тарбия мактаби эканлигини таъкидлаб, унга ғоят сермазмун фалсафий талқин берган: “юртимизда ҳар бир инсон учун Ватан тушунчаси оиладан бошланади. Шу боис оила ва мафкура тушунчалари чамбарчас боғлиқдир. Оиланинг жамиятда тутган ўрни, тарбиявий ахлоқий аҳамияти, кадр қимматини англаб етмасдан мафкура ярата олмаймиз¹. Дарҳақиқат, ўзбек оилаларининг баркамол авлодни тарбиялашда ўрни бениҳоя катта. Бу ерда асрлар давомида шаклланиб келган миллий анъаналар урф-одатлар, ота-оналар ва болаларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ҳурмати қариндошларни бир-бирига ёрдам қўлини чўзиши, болалар ҳақида ғамхўрлик қилишда ёшлар учун мустаҳкам ишончли муҳитни яратилиши, оилавий покизалик талабларини сақланиши каби урф-одатлар ўсиб келаётган ёш авлод маънавияти ва ахлоқи учун негизига айланди, маиший-маданий турмушнинг асосий тушунчалари ва қоидалари халқимизнинг урф-одатлари маросимлари ва расм-русумлари мустаҳкам кўрғондек сақланиб қолади ва авлодан-авлодга етказиб берилади. Оилада етук ва баркамол шахсни тарбиялашда ота-она миллий урф-одатларни қўллашни билмоғи керак.

Ҳеч қайси юртда оилани бизчалик қадрламайди, бу билан ўзгаларни қадриятларини ерга урмоқчи эмасмиз. Фикримизга яққол мисол 1998 йил оила йили деб эълон қилинди. Буни замирида кўп нарсалар ётибди. Бундай

¹ Қаранг: И.Каримов. “Миллий истиқлол ғояси – халқимизнинг ишончи ва эътиқодидир”. Т.: “Ўзбекистон” 2000, 20-б.

имкониятлардан фойдаланиб биз миллий урф-одатларимизга йўғирилган оила барпо этишимиз зарур.

Демакки, урф-одатларимиз оилада фарзандларимизни баркамол бўлиб ўсишига ҳисса қўшар экан, баъзилар бундай одатларни эскилик сарқити деб атайдилар. Ана шундай оилада тарбия топаётган болалар ўз ота-оналарини ҳаёти давомида ҳурмат қилади ва жамиятга фидоий шахс бўла олади деб ким кафолат бера олади? Зероки, бундай бўлмаслиги учун миллий урф-одатларимизни тугал маъносини тушуниб етган болалар тарбиясида кенг қўллай олсак бизлар ўзимиз учун порлоқ келажак яратамиз. Жамиятга эга маънавий етук инсонийлик туйғуларига эга шахс етказиб берамиз. Зероки, Аристотел оилани “Саодат уйи” деб атаган. Ватанимизда Арасту айтганидек бахт-саодат уйига айлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ана шу уйнинг соҳибини соғлом ақлли, билимли, ташаббускор фидоий маънавиятли урф-одатларга ҳурмат билан қарайдиган ёшларни – баркамол авлодни тарбиялашни оилада яна ҳам кенг астойдил олиб бориш давр талабидир.

2.1. Оилаларнинг вужудга келишида урф-одатларнинг ўрни

Оилани вужудга келишида муҳим аҳамиятга эга бўлган урф-одатлардан бири, оилани барпо этиш учун аввало одатимизга кўра совчилар боради. Кейин нон сингдирилади, фотиҳа тўйи, никоҳ тўйи бўлади.

Оила пайдо бўлиши билан одатлар, урфлар, расм-русумлар ҳам пайдо бўлган. Шу билан бирга ўзгарган ва ривож топган. Тараққиёт, замон талабига жавоб бермаган одат-маросимлар унутилган уларни ўрнини эса оила эҳтиёжларини қондирадиган янги маросимлар эгаллаган.

Ўзбек халқининг оилавий урф-одатлари ҳам тарихий зарурат юзасидан вужудга келган ва замон чиғирикларидан ўтиб сайқалланган. Шўролар даврида ҳар бир киши яхши яшай олмаса, бутун жамоат яхши яшай олмаслиги уқтирилади. Бу даврда асосий эътибор давлат ишларига қаратилади. Шахс оила эҳтиёжлари эса қуйи даражага тушиб қолган. Жумладан, катта давлат байрамлари, соясида қолган оилавий анъаналар унутила бошланди. Халқнинг асрлар мобайнида тўплаган бебаҳо бойлиги – шахс ва оила ҳаёти билан боғлиқ маросим ва байрамлар унутилди.

Бешик қўйди, қулоқ тишлаш одатлари сўнгги пайтларда йўқ қилиб келинди. Бу удумлар Сурхондарё вилоятида сақланиб қолди. “Бешик қўйди” одати ҳақида сўз юритадиган бўлсак, оилада қиз бола туғилса бешикка белаш тўйи ўтказилади. Шунда ўғиллик биродарлардан бири ният қилиб, етаклаб борган 5-6 яшар ўғилчасига чақалоқ қизалоқни сўрашади. Агар оиланинг бобоси, бувиси, ота-онаси рози бўлса, “қулоқ тишлар” одати ўтказилган. Улғаяётган қиз ўз ниҳол умри давомида “қулоғини тишлаган” йигитга, йигит эса бўлажак келинчакка ғойибона меҳр, интилиш, ҳурмат билан вояга етишган. Икки томон ота-она ҳам шунга муносиб ҳаракат қилишиб тузилажак оилани тадоригини анча узоқдан кўриб боришган. Бешик, сандал, худойи, суннат, Наврўз одат маросимлари сингари “Бешик қўйди”, “Қулоқ тишлар” удумлари ҳам сўнгги йилларда унутилди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг содир бўлган катта ўзгаришлардан бири оила қадриятларини аниқлашдан иборат. Шу сабабли, оилавий анъаналар, маросим ва байрамларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш жамиятимиз, ижтимоий маданий ҳаёт негизига айланди. Бундай маросимлар урф-одатлар инсон туғилиб ўсгандан то умрини охиригача умрнинг энг муҳим воқеаларини ифода этади. Бу одатлар ҳақида китоблар чоп этила бошланди. Бу бежиз эмас, чунки оилавий маросимлар халқ маънавиятининг таркибий қисми, муҳим ахлоқий қадрияти, таъсирчан тарбия воситаси саналади. Оилавий маросимлар жараёнида намоён бўладиган одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат каби хислатлар ёшлар маънавиятини шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Оилавий маросимлар кишилик жамиятида маданиятнинг муҳим бўлаги ҳисобланади.

Бундай олиб қараганда ҳар бир удумлар замирида оилани мустаҳкам бўлиб ривож топиши ётади. Шундай урф-одатлар инсонни сиҳат-саломатлигига боғлиқ бўлганлари ҳам бор. Агарда оила вужудга келар экан ундаги камол топувчи шахс ва онани соғлиги биринчи ўринда туради. Шунинг учун ўзбек оиласида чақалоқ туғилиб то вояга етгунча ўзи янги оила кургунча уни боқиш, тарбиялаш, уйлантириш одат тусига кирган. Тарихдан маълумки, оилани илк шаклланиши турли жойларда турлича ҳилда пайдо бўлган. Якка моногам оилани вужудга келиши инсоният ҳаётида жуда муҳим воқеа бўлган. Чунки, оилаларни пайдо бўлишида уруғчилик жамиятини ташкил топишига, уруғчилик жамиятида эр-хотиндан ташкил топган ва у “оила жамоасини” вужудга келтирган.

Матриархат даврида эса, одатда қиз ўзига қайлиқ танлаган. Лекин қиз ўзи истагини ҳаммага билдириши ва танлаган куёвни барчага таништириши шарт бўлган. Кўпинча ана шу таништирув вақтида ёки кейинроқ зиёфат берилган. Бу ҳолнинг одатга айланиши кейинчалик оилани вужудга келишидаги муҳим воқеа тўй-маросимларга уланган.

Уруғчилик даврида оила вужудга келиши билан тўй-маросимларнинг илк шакллари пайдо бўлган. Тўй эса бутун жамоанинг байрамига айланган.

Қадимги тўй маросимларини ўзига яраша одатлари бўлган булардан бири келин-куёв оила қуришга тайёр эканликлари синалган. Матриархат даврида куёв алоҳида синовдан ўтган. Куёвни турмушда лозим бўладиган ов қилиш, ўтин ёриш, олов ёқиш кабилар бўйича қобилиятлари синаб кўрилган патриархат даври эса тескари жараёнлар кўзга ташланади. Бунда келин кийим тикиш, уй-рўзғорни тартибга солиш овқат пишириш одатларини намоён қилиши керак бўлган.

Шундай қилиб, инсониятнинг маданийлашиш негизида жамиятнинг илк бошланғич негизи, асоси оила ва унинг пайдо бўлишида тўй-маросимлари вужудга келган. Қуйида урф-одатларимиздан бири бўлган тўй маросимлари ҳақида фикр-мулоҳаза билдирамиз. Тўй-ҳаётнинг катта шодиёнаси, оила бахт саодати ва фаровон турмуш рамзи, инсон умри гултожи ҳаётнинг энг тотли ва энг қувончли даври ҳисобланади. Тўй ўтказиш удуми мавжуд. Бу барча халқлар турмуш-тарзида ўрин олган. Ҳозирги кунда тўй-маросимларини ўтказишда моддий томонга кўп эътибор берилмоқда. Тўйларнинг маънавий бадий савияси замон талабидан ортда қолмоқда. Тўйларни ўзига хос ташкил қилиш, уларни ҳар томонлама тартибга солиш ихчамлаштириш, бойитиш замон талабидир.

Оиланинг вужудга келишига уни ривожланишига олиб келган тўй-маросимидан бири никоҳ тўйи саналади. Никоҳ тўйи ҳар бир инсон қалбида, ҳаётида янги саҳифа очади. У оила қурадиган ҳар бир қиз ва йигит учун унутилмас воқеадир. Никоҳ тўйи оилавий маросими бўлиб, уни ташкил қилиш узоқ муддатни ўз ичига олади. Никоҳ тўйларининг ўзига хос урф-одатлари мавжуд. Никоҳ тўйлари 3-босқични ўз ичига олади. 1-босқич. Келин топиш, совчи бўлиб бориш, фотиҳа қилиш каби маросимлардан ташкил топган. 2-босқич. Келинни куёвнинг уйига олиб келиш никоҳлаш, тўй-томоша қилиш бу босқич моҳият жиҳатдан муҳим олий нуқтада туради. 3-босқич. Никоҳ тўйидан сўнг ўтадиган маросимлар “юз очди”, “келин салом” куёв чақирди маросимларидир. Фарғонада никоҳ тўйлари одатлари шакллари ранг-барангдир.

“Қиз кўрди”, “бош бойланди”, “ковуш йиртди”, рўмол ташаш, оғиз мойланди, “нон синдирилди”, “бўлди-бўлди”, “ўғри товоқ”, “ширин сув”, хайитлик, фотиҳа тўйи, идиш қайтди, “тўққиз уй тўққиз товоқ” ва ҳоказо.

Ҳозирги пайтда никоҳ тўйлари анча ихчамлашди. Шуни айтиб ўтиш керакки, никоҳ тўйларида ўзбек халқининг энг маънавий фазилатлари намоён бўлади. Бу тўйга барча олдиндан рухий тайёрланади. Энг яхши либослар кийилади. Ҳамма одоб-товозе билан муомала қилади. Бу эса тўй қатнашчилари ўртасидаги ҳамжиҳатликни, аҳилликни вужудга келишига сабаб бўлади.

Никоҳ тўйи икки ёшнинг янги ҳаёт қуриши билан боғлиқ бўлган тадбир бўлиши баробарида, ўзига хос ижтимоий аҳамиятга эгадир. Никоҳ тўйи – оила қурган йигит ва қиз олдида жамиятнинг кичик ячейкасини тузиш, авлодни давом эттириш жамиятга хизмат қилиш каби ижтимоий вазифани ҳам юклайди.

Шунинг учун катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган никоҳ тўйларини ўтказиш жараёнида асосий диққатни зиёфатбозликка эмас, балки тўй қатнашчиларини маънавий озиқланишга, ёшлар онгига халқимизни энг яхши фазилатларини сингдириш, янги оилани мустаҳкам ғоявий-маънавий пойдеворини яратишга қаратилиши лозим. Зероки, тўй маросими оилани вужудга келишида муҳимдир. Ўзбек оиласида никоҳ тўйидан кейинги маросимлар ҳам бор. Бу маросимлар замирида ҳам оилани мустаҳкамлиги ётади.

Ўзбек оиласида янги инсон чақалоқ дунёга келиши билан боғлиқ бўлган анъаналар тизими алоҳида ўрин тутди.

Ўтмишдаги одатларга кўра келин куёв фарзанд кўрган аёл ва чақалоқ ёмон руҳ ва алвасти, жин, ажиналар ва бошқалардан сақланиши учун чилла сақланган. Чиллалар келинчак учун туғмас аёл билан кўришиш хатарли ҳисобланган.

Оилада бола туғилганда чилла даврига катта эътибор берилади. Чақалоқ туғилгандан сўнг йўлдоши тушгандан бошлаб 5-6 кун оғир

ҳолатдаги туғруқ учун 70 кун керак бўлишини таъкидлаганлар. Чилла даврида бирон бир касофат содир бўлмаслиги учун она ва бола ёлғиз қолдирилмаган.

Фарзанд кўрган онага чакалоқ туғилганининг иккинчи ва учинчи кунларида ковурилган тухум едирганлар ва ундан сўнг товук шўрваси ичирилган. Чакалоқ туғилиб 40 кунлик бўлгандан кейингина ҳовлига олиб чиқилган. Катта чилла ўтгандан кейингина аёл ота-онасининг уйига бориб ётиб келиши жоиз деб билишган.

Кексаларни айтишича 40 кун чилладан эсон-омон чиққан чакалоққа ташқаридан таъсир этадиган инс-жинсларни кучи етмас экан. Чакалоққа исм қўйиш инсон ҳаётидаги муҳим воқеа ҳисобланади.

Қадимда исм қўйиш жуда масъулиятли иш ҳисобланган. Исм бола табиатига мос келмаса ундан яхши инсон чиқмайди ёки у касал бўлаверар экан. Чакалоққа исм қўйиш ҳар кимга ҳам ишониб топширилмаган. Бунинг учун махсус маросим уюштирилиб нуфузли, доно қариялар таклиф этилган.

Ислом динига қаттиқ эътиқод қилувчи кишилар мулла, эшон чақириб, чакалоқнинг қулоғига озон айттириб, сўнг унга исм қўйганлар.

Оила ҳаётидаги энг муҳим воқеа фарзанд туғилиши билан боғлиқдир. Болаларнинг туғилган куни оилада нишонлаш кичкинтойлар учун катта байрам ҳисобланади. Қадимда кишиларимиз ҳаётида туғилган кун унча нишоналанмаган. Йил боши Наврўзда ёшимизга бир ёш қўшилди деб ҳисоблаганлар. Туғилган кунни ўтказиш ўзбеклар учун янги одат. Мучал тўйи 63 ёшга кирганда “пайғамбар ёши”ни нишонлаш кенг тарқалган. Бу барча одатлар, удумлар оилани вужудга келишида муҳим ҳисса қўшган. Чунки қадимдан оила вужудга келиши учун анча одатлар, маросимлар турли хил муносабатларни босиб ўтди ва оила деб аталмиш гўзал ошиённи топишни ва унда ҳаёт гаштини суришдек имкониятни кишиларга берди.

Урф-одатлар оилани вужудга келтирар экан, вужудга келган оилани янада мустаҳкамлаш учун юртимизда кўп ишлар олиб борилмоқда. Чунончи 1998 йил “Оила йили” деб эълон қилинди.

Халқимизнинг асрлар давомида адолатли давлат, фаровон жамият ва эркин ҳаёт қуриш орзуси оила тотувлигида намоён бўлди.

Оилага муносабатимизни қадриятли мазмун касб этиши одамлар калбида мудраб ётган қанча-қанча олийжаноб эзгу-нийат ва удумларнинг йўналиши баркамол авлод тарбиялашдадир.

Биламизки оила табиатда барча тирик жонзотларни ҳаётий асоси ва жамиятда инсоний турмуш тарзининг негизида ётувчи мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Бошқача қилиб айтганда, немис файласуфларидан бири айтганидек, “Оила табиатнинг шоҳ асари” бўлиб инсон тафаккури ва маънавий ҳаёти учун битмас-туганмас ижод булоғи, илҳом париси, янги-янги ғояларнинг хассоси, доясидир.

Оила масаласи фалсафий билимларда азал-азалдан биринчи асосий мушоҳада объекти бўлиб келган. Тарихда яшаб ўтган ижодкор файласуфлар ижодий камолотининг энг юқори чўққисига етган шу нозик масалага мурожаат этган ва нодир асарлар битганлар.

Оиланинг серқирра ва мураккаб жумбоқларни ёшига қаратилган ҳаракат дунё яратилгандан буён бир зум тўхтаган эмас, аксинча янги ғоялар билан давом этмоқда. Оилавий ҳаётнинг сирли ва жумбоқли характерда шаклланиши уни табиий ва социал омиллар билан узвий бирлашиб кетган.

Одатда оила ҳақида сўз борганда жамиятнинг тирикчилик учун жон олиб жон бераётган кичик бир ячейкаси намоён бўлади. Биз кишилиқ жамиятининг тараққиёт тарихини ёзишда халқ оммаси ва шахснинг алоҳида ролига катта эътибор берамиз. Муҳим қадриятлардан бири ҳисобланган оила ҳозирги даврда ҳам жамиятнинг асосий негизи ҳисобланади. Оиланинг энг муҳим хусусиятларидан бири шундан иборатки, унинг аҳиллиги, мустақиллиги ободончилиги ва маданиятлилиги у яшаётган жамиятнинг фаровонлиги ҳамда маънавият мезони ҳисобланади.

Меҳнатсевар ва бадавлат, маънавий етук ва маданиятли оила — жамиятнинг асосини ташкил этади. Ҳозирда Ўзбекистонда 4 миллиондан ортиқ оила бор. Уларда барча ахлоқ-одоб меъёрлари сингдирилмоқда. Ўзбек

оилалари хориж оилаларидан фарқланади. Лекин ўзбек оиласини бошқа мамлакатлар оиласига ўрناк қиладиган кўп жиҳатлари бор.

Хулоса қилиб айтганда, асрлар оша сайқалланиб келган оилавий байрамларнинг, урф-одатларнинг асосий моҳияти инсон ва оила ҳаётидаги энг муҳими ҳисобланади. Ўзбек оилаларида чақалоқ туғилиб то вояга етгунча ва ўзи оила қургунча бўладиган урф-одатлар янги оилани дунёга келишида муҳимдир.

Урф-одатлар оилани вужудга келишига сабаб бўлса, ҳозирда юртимизда оилага бўлган муносабат ва қонунлар оилани мустаҳкам бўлишига ва унда жамият учун фидойий инсонлар бўлишини таъминлайди.

2.2. Миллий урф-одатларнинг тарбиявий аҳамияти

Миллий урф-одатлар инсон яъни бола тарбиясида муҳимдир. Бизнинг миллий урф-одатларимиз замирида фақат тарбия ётади. Бунинг учун урф-одатларнинг туб моҳиятини англаб етиш лозим.

Қадимда ўйинларнинг турлари кўп бўлган. От ўйин, дўппи ўйин, ҳаммомпиш, тош ўйин, чиллак ўйин, ёнғоқ ўйин, курматаёқ, варрак ўйин ва ҳоказо. Болалар ўйинлари қайси шакл, мавзу, йўналишга эга бўлмасин, лой, тупроқ биланми, бариси болани ҳаётга, турмушга, рўзғор ишларига тайёрлашда ўзига хос ҳунар мактаби вазифасини ўтаган, “Читтигул”, “Оқ теракми-кўк терак” каби кўшиқ ўйинлар турли кўринишларда бизгача етиб келган. Қадимда болалар бинафша байрам қилишган.

Чавгон шарқ халқлари орасида жуда қадимий ўйинлардан бўлиб, қоидалари ва кўриниши жиҳатидан кўпкари ва хоккей ўйинларига ўхшаш бўлган, от устида туриб ўйнаганлар-чавгончилар ўртасида чавгон тўпи талаш бўлган. Ҳар икки томондан 5-6 ўйинчи иштирок этиб, рақиб дарвозасига ким қанча тўп киритса, ўйин охирида ўша томон ғолиб ҳисобланган.

Кўпкари улоқ – ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик халқларига бирдай қадрдон. Кўпкари бу чавандозлик баҳси. Мусобақа шарти ўртага

ташланган улоқ танасини тақимга босиб майдонни айлантирганча белгиланган манзилга ташланса совринлар билан мукофотланади. Кўпқари тинчлик, хотиржамлик ўйини бўлиб, халқ суянган ҳақиқий эр-йигитларни етиштиришда катта рол ўйнаган. Кўпқарида минилган отнинг аҳамияти катта.

Юқорида ёзилганидек, урф-одатларни ҳаётимизни ҳар жабҳасида кузатиш мумкин. Урф-одатлар, қадриятлар инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллиги негизидир. Шарқ фалсафаси тарихидан инсоннинг таълим тарбияси, одоб-ахлоқи ҳақида жуда кўп қимматли маслаҳатлар, фикр-мулоҳазалар мавжуд. Шарқ фалсафаси ва ислом тарбиясида раҳм-шафқат, мурувват, одамийлик, инсонийлик каби фазилатлар улуғланган.

Одамийлик – бу кишининг бошқа одамларга, уруғ-аймоғига меҳр-шафқат кўрсатиши, яхшилик қилишини, инсонпарварлик муносабатини билишни тақазо этадиган фазилатдир.

Миллий урф-одатларни тарбиявий аҳамияти жуда катта. Маълумки, қадимий урф-одатларимизга кўра, ўзбек оилаларида айниқса, кўп болалаи оилаларда бола ёшлигиданоқ меҳнат кучоғида тарбияланади. Оилада ота-онага ёрдам бериб мустақил меҳнат қилишга интилиб, ҳеч бир бола майиб бўлган эмас.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ёшларни тарбияси мазмун ва моҳиятида усул ва шаклларида жиддий ўзгаришлар бўлди. Мактаблар миллийлаштирилди, таълим-тарбияга миллий урф-одатларни, яъни қадриятларни жорий этиш асосий ўрин тутадиган бўлди.

Тарихимиз, маданиятимиз миллий урф-одатларимизга эътибор кучайди. Ёшларда миллий ғурурни шакллантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият касб этади.

Билимни севиш ва ардоқлаш олиму-фузалоларни, устозларни ҳурмат қилиш, мардлик, одамийлик, камтарлик, адолат, ҳалоллик ва ҳақгўйлик каби инсоний фазилатларни улуғлаш борасида ҳам ибрат бўладиган ажойиб қадриятларимиз бор. Лекин шуни чуқур таассуф билан айтиб ўтиш керакки,

хозирги кунда ёшлар ўртасида янги урф-одатлар пайдо бўлган. Булардан бири кўча кўйда турли хил жаргон сўзлардан фойдаланиб бакириб гапириш. Назаримизда улар сўрашаётганда ҳам бир-бирларини сўкиб кўришар эканлар. Зероки, бизнинг қадимги урф-одатларимизда нутқ маданиятини ниҳоятда эъзозлаганлар. Бу хусусда А.Навоий “Тилга эътиборсиз элга эътиборсиз”дир деганлар. миллийлигимиздан умуман йироқда бўлган янги одат “День Валентина” яъни “Севишганлар куни”ни нишонлаш Европа турмуш-тарзига хос кўринишлардандир. Айрим ўқув муассасаларида бу кунни байрам сифатида қабул қилиниб, байрамлар қилинади. Бу эса бизнинг урф-одатларимизда бундай ҳолатлар ўта уятли ҳисобланган, ваҳоланки бундай ҳол миллий урф-одатлар билан тарбия кўрган ёшларни Шарқона турмуш-тарзига зиддир. Бизда севги пинҳона бўлган, бу биздаги шарму-ҳаё деган бир парда билан тўсилган. Ота-она олдида бундай гапларни гапириш хаттоки уйланаман дейиш ҳам уят ҳисобланган. Бундай Европача байрамларни кўйиб, ўзимизни Наврўз байрамини олайлик. Бу байрам орқали ёшларга билим, миллий урф-одатларни ўргатамиз. Бу байрамда инсонлар бир-бирларини кўнглини кўтаришади, хурсандчилик қилишади, бу эса одамийликдир. Хафалашиб юрганлар ярашадилар бу эса – мардликдир. Ногирон, дардмандларга, муҳтожларга ёрдам берадилар – бу эса тантилик, сахийликдир.

Мана Наврўз байрами нафақат байрам балки инсонийлик туйғуларини намоён қиладиган миллийликка йўғрилганлиги билан ажралиб туради. Ёшларнинг тарбиясида миллий урф-одатлар кенг аҳамият касб этади.

Бизнинг одатларимизга кўра аёл нозик хилқат. Ана шундай номни асрлар мобайнида оналаримиз гард юқтирмай олиб бизгача етиб келган. Миллий урф-одатларимизга кўра қиз бола шарм-ҳаёли, иболи бўлади.

Бу дегани кийинишда ҳам, гапиришда ҳам, кулишда ҳам меъёрни билади деганидир. Яқин ўтмишда оналаримиз, опаларимиз кийинишга қаттиқ эътибор берганлар. Чунки инсон устидаги кийим билан кимлигини намоён қилади.

Кийилган кийим нафақат ярашиши балки, киши танасини ҳам иссиқ тутиши керак. Ҳозирда урф бўлган умуман миллийлигимизга ёт бўлган кийимлар эса кишини саломатлигини кафолатлай олмайди. Чунки кийганда корни очик, энгашганда бели очик кийимлар, тор шимлар бўлғуси оналаримиз, миллий қадриятларни давомчиларини дунёга келтирувилар соғлиги учун зарур деб ҳисобланади.

Бизни миллий урф-одат, қадриятларимизга асосланиб тикилган кийимларни кийган қизларни нақадар одобли, ахлоқли эканлигини яққол намоён этади.

Нафақат қизлар аксарият йигитларимиз ҳам кулгили одатлар кетидан қувийдилар. Қулоқларини тешиб сирға тақишлар, сочларини елка баробар ўстириб кўча кўйда кулиб юришлари биздек миллий ғурури кучли, Алпомишу, Гўрўғли, Широқ яна кўплаб мард, ботир ватанпарвар эр йигит ваъдасини ўлимдан ҳам кучли деб билган маънавий бой бўлган халқимизни миллий қадриятларини билмасликларидан эмасми. Шунинг учун жойларда миллий қадриятлар – урф-одатларга кучли эътибор берилмоқда. Агар фарзандларимиз ўз миллий урф-одатларимизни билсалар ундан нақадар кўп маънавий озуқа олишларини тасаввур ҳам эта олмайдилар. Яна шу ўринда айтиб ўтиш керакки, халқимиз айниқса эркаклар ўз миллий кийимларини кийишдан узоқлашиб кетмоқда. Шунинг учун ҳам бу кийим даврга қараб ўзгармай келаверади. Ёшлар эса бу кийимни кийишни хоҳламайдилар. Бу ўринда ёшларни айблаш ҳам нотўғри Шарқдаги барча иссиқ мамлакатлар қачонлардир бизнинг ота-боболаримиз кийган миллий либосларни кийиб юрадилар. Бу кийим иссиқда қулайдир.

Аммо шарқдаги барча мамлакатларда ҳам миллий либос билан бир қаторда Европача либос ҳам урф бўлган. “Ўрта Осиё ва Қозоғистон Диния бошқармаси” ходими журналистга шундай дейди: Ўзбекистонга Саудия Арабистонидан меҳмон келди, у тўйга борди таъзия маросимида ҳам бўлибди, тўйларимиз дабдабали бўлаётгани, таъзия маросимини меҳмондорчиликка айланиб кетаётгани уни ҳайратга солди. Кузатув пайтида

эса унга тўн кийгазишди бунга у яна бир карра лол бўлди. Агар бу миллий либос бўлса нега уни ҳеч ким киймаяпти деди, хайрон бўлиб. Бунга мен куйидагича айтмоқчиман: биз кийишга қулай бўлган миллий либосларни қайтадан урф қилиш лозим.

Олдин биз катталар салбий иллатлардан воз кечиш керак. Бунинг энг каттаси динимизда ҳам қораланган ичкиликбозликдир. Назаримда бу муаммони чуқур ва жиддий ўрганиш лозим. Бу муаммо шунинг учун ҳам муҳимки, алкоголик ичимликлар урф-одатларимизнинг ажралмас қисмига айланиб қолди. Қуръонда ҳам унинг зарарлари ҳақида айтиб ўтилган. Нега минг йиллик давомида одамлар ичкилик ичмаётгани ва соғлом турмуш туфайли Саудия Арабистони, БАА, Қувайт, Баҳрайн сингари мамлакатларда соғлом авлод вужудга келди. Неча асрлар мобайнида мусулмон мамлакатларида ичкиликсиз урф-одатлар ўтказиш одат тусига кирди. Юз минглаб одамлар соғлом турмушга қайтдилар. Бу урф-одатлар ижобий самара берди. Ёшлар тарбиясида ва жамият олдидаги мақсад ва вазифаларга эришишда шуни аниқлаб олиш керакки ҳозирги урф-одатлар бизни хушнуд этияптими? Фарзандларимиз тарбиясига ҳисса қўшяптими? Ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишда кўмаклашяптими? Фарзандларимизни миллий руҳда, миллий урф-одатлар асосида тарбиялаш учун нима қилмоғимиз керак?

Хориждан келтирилаётган ахлоқий ғоявий сушт, ур-йиқит, жинсий алоқа, гиёҳвандлик, терроризмни тарғиб этувчи кино-видео маҳсулотларини савдога чиқармаслик керакми? Йўқ албатта. Бозор иқтисодиёти ривожланаётган экан юқорида айтган маҳсулотларни истаймизми, йўқми бу жумҳуриятимизга қай йўл билан бўлса ҳам олиб кирилаверади. Бу табиийдир. Бу маъмурий йўл билан тўхтатиб бўлмайди. Лекин бундай жараёнга биз ҳеч қандай таъсир эта олмаймиз деган хулосага келишимиз нотўғридир.

Фикримизча, чет эллардан кириб келаётган миллий урф-одат, анъаналр ва маънавиятимизга тамомила зид бўлган ахлоқий бузуқлик, ҳаёсизлик ва

беъманиликни ёқловчи асарларга қарши ўзимизнинг кўп асрлик тарихга эга жаҳон халқлари томонидан эътироф этилган шарқона юксак маданиятимизни қалқон қилиб қўйишни билишимиз керак. Бунга эришиш учун ҳар бир кишида биз юксак маданият ва маънавият ворислари эканимизни ва бу билан қанчалик фахрлансак арзирлик эканлиги ҳақида ҳис туйғулларни ҳосил қилишимиз даркор. Ўзини юксак маданиятли миллатга мансуб эканлигини онгли равишда ҳис қилувчи ва бу билан қонуний равишда фахрланувчи инсонни ва ҳеч қачон маънавий ахлоқий ва ғоявий жиҳатдан паст маданиятга қарам қилиб қўйиш мумкин эмас. Шундай экан бугунги кунда ёшларимизнинг маданий савиясини оширишга қаратилган тадбирларни ўтказиш ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Бунга эришиш ёшларга миллий қадриятимиз, маданиятимиз ва маънавиятимизни янада чуқур ва тўла ўзлаштириб олишимиз ва ҳар томонлама кўмаклашиш билан бир қаторда ўтмишда кенг қўланилган сиёсий оқартирув ишларини жонлантириш олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, мактабларда меҳнат жамоаларида сиёсий ўқув ўтказишимиз керак. Бой ва ранг-баранг маданиятимиз, урф-одат ва анъаналаримиз миллатимизнинг маънавий руҳий бойлигини ташкил этади.

Шу ўринда “Бувижонлар ўғити” мисолида айрим тарбиявий мисолларни келтириш мумкин. Албатта шарм-ҳаё, ибо ҳам илм ҳам фаолиятдир. Шарму ҳаё инсонларни гуноҳлардан, хунукликлардан сақлаётими, унинг илмлилиги ва бунёдкорлиги шундандир.

Масалан, сен кўчага калта юбка ва ҳар хил турдаги кийим кийиб чиқдинг. Имони бутун эркаклар бундай манзарага, нафақат унга ҳеч бир аёлга синчиклаб қарамайди. Зотан, бу турфа дунё феъллар ҳам турфа. Зоти енгиллар киши ҳамиша шайтонга қулликка ҳам рози бўлади. Кимдир сенга нафс кўзи, беҳаё нигоҳ билан қараб қўйиши мумкин. Энг ёмони уни гуноҳкорлигига сен сабабчидирсан. Шу ўринда пардоз хусусида ҳам тўхталиб ўтиш керак бўлади. Ҳар бир халқнинг удумида ёзилмаган таъқиқ ва тавсиялар бор, бизда ҳам шундай.

Масалан, пардоз фақат келинларга буюрилади. Оналаримиз ҳам, қиз болани ҳусни ўзига етади, менинг остонамда одми юр, эсон-омон эгангга топшириб олай, ҳамма ясан-тусанингни ўша ерда қиласан деб айтардилар.

Ҳамма орзу хаваслар келинликка қолдирилар эди. Ёшлигимизда қизларни башанг либосда кўриб қолсак келин бўлибди-да дер эдик. Келинлик кумушдек қизларни олтиндай ярақлатиб юборар эди. Назаримда куёвни ҳовлисида ойдеккина бўлиб кирган қиз у ердан эртақлардаги маликага айланади.

Келинлик даври бир ороланиш даври. Қўғирчоқ ўйнаб юрган қизлардан сўрасак у ҳам келин бўламан деб жавоб беради. Қизларни ихлос қўйган пардоз буюми бу ўсма эди. Юзларига кечкурун қатик суркаб оқартирилар эди. Упа-энлик суртгани уятар эдилар. Қизларимизни фарзандларимизни поклиги, камтарликка ўргатадиган ўша қадриятларимиз ҳозир ҳам тирик. Халқимизни диди ҳали ўшандай. Эсингда бўлсинки юзни расм дафтар бўягандек бўяш шарт эмас, қиз бола учун бу уят ҳисобланади. Инсон оққўнгил бўлиши, ота-она дуолари, оқ ювиб оқ тарашлардан иборат, қиз бола қафтга кўниб турган оппоқ кабутар. Шу аслингда тур дейилган момолар ўгитида.

Хулоса

Шуни айтиб ўтиш жоизки, миллий қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар оилада бизгача етиб келади. Оила жамиятнинг бир бўлаги ҳисобланади. Шу муҳитда биз ўсаётган миллатимиз келажаги меросхўрлари фарзандларимизни миллий урф-одатларга хос қилиб тарбиялаш керак. Удумларимизга эскилик сарқити деб қараш нотўғридир. Бой ва ранг-баранг маданиятимиз, урф-одат ва анъаналаримиз барча қадриятларимиз миллатимизнинг маънавий, рухий бойликларини ташкил этади.

Уни чуқур ўрганиб, ўзлаштириб олган инсон олдига қўйилган ҳар қандай мақсадга эриша олади. Чунки маданиятимиз ахлоқ-одоб, урф-одат меъёрларидан хабардор инсон ҳеч қачон кўр-кўрона иш кўрмайди. Демакки, барча урф-одатларимиз замирида эзгулик ётади. Уларда фақат озодлик, яхшилик, одамийлик касб этади. Миллий урф-одатларимиз асносида тарбияланган шахс юксак маънавияти бой инсон бўлиб шаклланади. Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ҳар қайси халқ миллий қадриятларни ўз мақсадида шу билан бирга умумбашарий тараққиёт ютуқлари асосида ривожлантириб, маънавий дунёсини юксалтиришга интилар экан бу борада тарихий хотира масаласи алоҳида ўрин тутди дейилган. Биз миллий урф-одатларни фарзандлар тарбиялашда муҳим дебоча қилиб олсак ҳеч қачон қайрилмаймиз. Миллий урф-одат, анъаналар асносида тарбияланган инсон маънавий бой бўлади. Жамиятнинг, давлат, халқ ва миллатнинг шахснинг маънавиятга бўлган эҳтиёжи шу қадар каттаки, уни ҳеч қачон иккинчи ўринга суриб бўлмайди. Маънавият барқарор бўлмаган жойда моддий неъматлар ишлаб чиқиш истеъмол қилиш маданияти йўқ.

Зероки, биз юксак маънавиятга эга бўлган халқ эканмиз, пировард мақсадимиз биздан “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қолсин” деган бош ғояга элтувчи йўлдан юришимиз ва бу йўлни давом эттирувчи

авлод тарбиялашда бизга миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз, урф-одатларимиз катта ёрдам беради.

Шунинг учун оилада урф-одатларни, қадриятларни фарзандга сингдириш керак. Зероки, бизга маънан етук баркамол шахслар керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т., “Маънавият” 2008
2. Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. Т., “Ўзбекистон” 1995
3. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Т., “Ўзбекистон” 1997
4. Фитрат А. “Оила ёки оила бошқариш тартиблари”. Т., “Маънавият” 1998
5. Ибрагимов А., Сулаймонов Х., Жўраев Н. “Ватан туйғуси”. Т., “Ўзбекистон” 1996
6. Маҳкамов У. “Ахлоқ-одоб сабоқлари”. Т., Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. “Фан” 1994
7. Илояев М. “Оила, ижод, тарбия ва маънавият”. Т., “Шарқ” 2000
8. Бекмуродов М. Оила – қариндошлик ва никоҳ. “Соғлом авлод учун” журнали. 2003 йил, №4
9. Холматова М. “Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси”. Т., “Ўзбекистон” 2000
10. “Ўзбекистон маънавият, маърифат, фан ва жамоатчилик фикри”. (илмий-амалий семинар маълумотлар). Т., 2004
11. Жабборо И. “Ўзбек халқ этнографияси”. Т., “Ўқитувчи” 1994
12. Тўланов Ж. “Қадриятлар фалсафаси”. Т., “Ўзбекистон” 1998
13. Қорабоев У. “Ўзбек халқ байрамлари”. Т., “Шарқ” 2002
14. Истиқлол даврида оила қадриятларининг трансформациялашув жараёнлари. Фарғона 2007